



Савол:

Муслимдан ривоят килинган хадис, яъни пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам ёнига бир киши ва унинг чўриси бирга келади. Киши чўрисидан шикоят килади ва Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам аёлдан бир икки савол сўраб кўрадилар. Саволларнинг бирида “Аллоҳ каерда” деб сўрайдилар. Шунда аёл «фиссама» деб жавоб беради ва бошка саволларга хам тўгри жавоб беради.

Шунда Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам бунинг эътиқоди тўгри экан деб жавоб берадилар. Шу хадисни хам тўлик матнини баён килинглар. Чунки бу ақидавий масалаларни тушунтиришда керак бўляпти.

Жавоб:

Сиз сўраган хадис Муовия ибн Хакамнинг хадисидир, унда “Менинг бир чўрим бор эди, у кўйларимни Ухуд томонларда бокиб юрарди. Кунларнинг бирида карасам кўйлардан бирини бўри еб кетибди. Мен хам бир инсонман, одамларга ўхшаб хафа бўламан. Шунда мен уни бир урдим деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам буни карих кўрдилар. Шунда у “чўримни озод килиб юборайми?” деди. Расулуллоҳ “уни менга олиб келчи” дедилар. Уни олиб келдим. Унга “Аллоҳ каерда?” дедилар. Осмонда деди. “Мен кимман”? дедилар. Сиз Аллоҳнинг расулисиз деди. “Уни озод кил, у муъмина экан дедилар.